

---

## "Ташаббусли бюджет": Зоҳидонликлар орзуси амалга ошди

✿ Юртимизда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида аҳоли вакиллари ўз маҳалласида инфратузилмаларни яхшилаш, мактабларни таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда бошқа ташаббусли лойиҳаларга овоз бериш орқали маҳаллий бюджетнинг бир қисмини тақсимлашда фаол иштирок этишмоқда.???? Риштон туманида ҳам ташаббусли бюджет асосида олиб борилаётган ишлар ҳудуд ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини янада мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.???? Тумандаги Зоҳидон маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳам мазкур лойиҳанинг жорий йилдаги иккинчи мавсумида фаол иштирок этиб, ўз ташаббусларининг ғолиблар қаторидан ўрин олишига эришди. ✿ Маҳалладаги табиий газга муҳтож эди маҳалла аҳолисини узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган муаммога ташаббусли бюджет жараёни ечим бўлди.□ Қайд этиб ўтиш жоиз, ҳудуддаги табиий газ билан таъминлаш юзасидан билдирилган ташаббусни амалга ошириш учун бюджетдан 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилди. ✿ Зоҳидон МФЙ Зоҳидон кўчасига 4,5 км масофага газ тармоғи тортиб келинди. Айти дамда фуқаролар хонадонига газ тармоғини ўлаш ишлари олиб борилмоқда.Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2023-03-14 06:07:32